

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЛДОШЕВ АСЛИДДИН ТУРСУНОВИЧ**

**ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА УНИ БОШҚАРИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2018**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy  
(PhD) on philosophical sciences**

<b>Қулдошев Аслиддин Турсунович</b> Халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг глобаллашуви ва уни бошқариш хусусиятлари.....	3
<b>Қулдошев Аслиддин Турсунович</b> Глобализация международных экологических социально-политических отношений и особенности управления .....	16
<b>Quldoshev Asliddin Tursunovich</b> Globalization of international environmental social-political relations and its management features.....	30
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	34

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЛДОШЕВ АСЛИДДИН ТУРСУНОВИЧ**

**ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА УНИ БОШҚАРИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal45. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyo.net.uz манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мамашокиров Саидмурод</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саломова Ҳакима Юсуповна</b> фалсафа фанлари доктори <b>Мусаев Одил Раҳматович</b> фалсафа фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент тиббиёт академияси</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
фалс.ф.д., профессор.

**А.Р.Самадов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалс.ф.н., доц.

**Ш.С.Қўшоқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, фалс.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда халқаро экологик муносабатларнинг глобаллашув тенденцияларини аниқлаш, уни халқаро миқёсда бошқариш, назорат қилиш тизимини яратиш дунё ҳамжамияти учун инсониятнинг истиқболини белгиловчи ҳаётий заруриятдир. Чунки атроф-муҳитнинг антропоген омиллар таъсирида глобал тарзда зарарланиб бораётганлиги жаҳондаги жиддий экологик муаммолардан бирига айланди. Бу вазият халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни конструктив-рационал бошқариш, ўзаро экологик ҳамкорликнинг институционал тизимини яратиш инсоният келажаги учун муҳим аҳамиятга эгаллиги мазкур мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Дунёдаги экологик муаммоларнинг кескинлашув сабабларидан бири халқаро экологик сиёсий муносабатларни мувофиқлаштиришда умумфалсафий, методологик замин, экологик ташкилотлар ва оммавий институтлар ўртасидаги муносабатларнинг етарли даражада такомиллашмагани билан изоҳланади. Чунки турли давлатлар экологик сиёсатидаги ўзига хосликларни фалсафанинг алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари контекста тадқиқ қилиш глобал экологик инқирозларни ижобий ҳал қилишда назарий-методологик асос бўлади. Халқаро экологик сиёсий муносабатларни оптимал бошқаришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар глобал экологик муаммоларни муваффақиятли равишда ечишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда “экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш идоралараро ҳамкорликни таъминлаш”<sup>1</sup>, вазифаси глобал миқёсда олиб борилаётган экологик сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг институционал тизимини такомиллаштириш усуллари, воситалари ҳамда йўллари илмий-назарий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг (2017 йил 29 июндаги ПФ-5264-сон Фармон) “Асосий фаолият йўналишлари” б), г), д) бандларида кўрсатилган ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. // <http://uza.uz/oz/documents/ekologiya-va-atrof-muhitni-muhofaza-qilish-sohasida-davlat-bo-21-04-2017>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси олдида қўйилган устувор вазибалар, хусусан, I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий, экологик ва бошқа муносабатларни эркинлаштириш, демократиялаштиришни ислоҳ қилишнинг чуқурлашуви даврида, умуман жамиятни бошқариш, хусусан, халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашувини бошқаришнинг концептуал назарияси ва унинг амалий йўналишлари Ўзбекистон ва хорижий олимларнинг асарларида атрофлича ёритилган.

Халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви ва бу жараёни бошқаришни ўрганиш учун, аввало, уни детерминлаштирувчи омилларни туркумлаштиришига мос муқобил илмий қараш йўналишлари аниқланиши устувор аҳамиятга эга.

Шу тамойилга кўра, биз тадқиқ қилаётган илмий муаммо:

а) халқаро экологик сиёсатни глобал бошқаришнинг ижтимоий-сиёсий асослари, тарихий генезиси ва ривожланиш босқичлари;

б) экологик сиёсий муносабатларни бошқариш институционал тизими, халқаро қонуний-ҳуқуқий асослари;

в) халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқаришнинг объектив ва субъектив омиллари;

г) глобал экологик муносабатларни бошқаришнинг ташкилий, маънавий-ахлоқий масалалари ёритилган ишларга ажратилиб, туркумлаштирилган.

Халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобаллашуви ва бошқарувини иқтисодий детерминизм нуқтаи назаридан, хусусан, экологик сиёсатда менежмент ва маркетинг соҳалари, хорижлик мутахассислар П.Доел, Е.Г.Молль, К.Гарнер, М.Валетта, М.П.Раджонъери, П.Г.Ольдак, Е.В.Бабина, С.Н.Соломина каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг глобаллашуви, В.И.Данилов-Данилян, В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, А.А.Сергунин, В.Н.Федосеев, А.Багатуров, Д.М.Гвишиани ва бошқаларнинг тадқиқот объекти бўлган.

Экологик муаммолар глобаллашувининг фалсафий масалалари Э.С.Хошимова, Ю.Ш.Шодиметов, С.Мамашокиров, Ҳ.Ю.Саломова, С.С.Сангинов, Э.М.Усмонов, Д.Расулов, Т.Қуйлиев, А.К.Бердимуродова, Ш.Л.Махмудова, В.О.Левинская, С.Отамуродов, А.Ахмедов, Б.Омонов каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган.

Бу муаммонинг қонуний-ҳуқуқий асослари Р.Рўзиев, Б.Х.Калонов, Ж.Холмўминов, Т.Р.Мирзаев, М.У.Ғуломов, Й.О.Жўраев, Ш.Х.Файзиев,

Ш.Р.Қобилов, М.Нажимов, Н.Б.Шоимовларнинг илмий-тадқиқотларида ёритилган<sup>1</sup>.

Умуман, юқорида номлари қайд этилган тадқиқотчилар ўз олдиларига халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни ва уларни глобал бошқаришнинг институционал тизимини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан структуравий-функционал таҳлил объекти сифатида таҳлил қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганлар.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви ва уни бошқариш институтлари тизимининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашувини комплекс-системали таҳлил қилиш асосида методологик тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳозирги даврда халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш институционал тизими структурасини ҳаракатлантирувчи куч(элемент)-ларнинг хусусиятлари ва ўзаро функционал алоқадорликларини аниқлаш;

халқаро экологик сиёсатни бошқаришнинг глобаллашуви шароитида миллий, минтақавий, умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш имкониятлари ва воситаларини кўрсатиш;

миллий ва минтақавий экологик сиёсатни глобал экологик сиёсатга интеграциялаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларни структуравий-функционал тадқиқ қилиш;

глобал экологик сиёсатни бошқариш институтлари самарадорлигини оширишда давлатларнинг экологик сиёсатини унификациялаштириш усуллари ва воситаларини кўрсатиб бериш.

Ўзбекистоннинг халқаро экологик сиёсий муносабатлар субъекти сифатида глобал жараёнларга интеграциялашиш мотивлари, ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаб беришдан иборат;

**Тадқиқотнинг объекти** халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг институционал тизими.

**Тадқиқотнинг предмети** халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашувини бошқариш институтлари тизимини такомиллаштириш имкониятлари ва воситаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг методлари.** Диссертацияда комплекс-системали ёндашув, факториал таҳлил, детерминлаштирувчи омиллар классификацияси, тарихийлик, мантиқийлик, таққослаш, ночизиқли ёндашув каби методлардан

---

<sup>1</sup> Бу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да кўрсатилган.

фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди институционал тизим фаолиятини оптималлаштиришнинг миллий, минтақавий, глобал моделларини ўзаро уйғунлаштириш фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик ва умумийлик категориялари воситасида назарий жиҳатдан асосланган;

халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобал ривожланишининг толерантлик, компромистик, демократик тенденциялари, объектив ва субъектив омиллари, бошқаришнинг институционал тизими имкониятларининг детерминацион ҳаракатлантирувчи кучларига оид методологик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшларнинг экологик фаоллиги ва масъулиятини шакллантиришга масъул ташкилотларнинг назарий-методологик, ўқув-услубий фаолиятини инновацион тарзда такомиллаштиришга доир амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

муайян экологик ҳудудда атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий стратегик йўналишлар аниқланган ва уларнинг глобаллашиш тенденцияси илмий-фалсафий асослаб берилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини бошқариш механизмлари самарадорлигини, демократик хусусиятларини кўрсатадиган мезонлар аниқлаб берилган;

экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашувини детерминлаш-тирувчи омиллар тизимига дифференциал ёндошилиб туркумлаштирилган ва уларнинг миллий, минтақавий хусусиятлари кўрсатилган;

халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашувини бошқаришда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ишлаб чиқилган;

халқаро миқёсда табиий атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги давлатимиз сиёсий фаолиятининг асосий стратегик йўналишлари аниқланган, экологик муносабатлар глобаллашуви тенденциялари илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви ва уни бошқариш субъектларининг ўзаро функционал алоқадорликларини илмий ўрганиш:

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, мафкуравий жараёнлар глобаллашувини бошқаришга доир таълимотларнинг тушунчалари тизимини, категориялари апаратини бойитиш учун **илмий** аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан экологик сиёсатнинг миллий, минтақавий дастурларини ишлаб чиқишига; халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга; аҳолини, айниқса ёшларнинг экологик фаоллиги ва масъулиятини, табиатни муҳофаза қилиш маданиятини шакллантиришда амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг глобаллашуви ва уни бошқариш хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди институционал тизим фаолиятини оптималлаштиришнинг миллий, минтақавий, глобал моделларини (фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик ва умумийлик тамойилига кўра) назарий жиҳатдан асослашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланган ва 2017 йил 29 июнда тасдиқланган: “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2017 йил 2-ярим йиллигидаги фаолиятини самарали амалга ошириш тадбирлар дастури”да, “Орол денгизи минтақасида экологик фалокатни камайтириш, халқаро ҳамкорлик ва экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда донор ҳамжамият ресурсларини сафарбар қилишни янада ривожлантириш инвестиция лойиҳаларини самарали амалга оширилишини таъминлаш”, “Минтақадаги сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари”, дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси далолатномаси 29.11.2017 йил. №03/2-6506). Бу таклифлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида экологик муносабатлар самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобал ривожланишининг толерантлик, компромистик, демократик тенденциялари, (объектив) ҳуқуқий, сиёсий, психологик ва (субъектив) инсоннинг интеллектуал салоҳияти, омиллари, институционал тизимини бошқариш имкониятларининг детерминацион ҳаракатлантирувчи методологик таклиф ва тавсиялари асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2015-2017 йилларга мўлжалланган: “Аҳоли экологик фаоллиги, маъсулияти ва маданиятини юксалтириш”, “Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш”, “Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида давлат, нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш”га йўналтирилган дастурларининг: 8; 10; 17; 19; 32 бандларини тайёрлашда муҳим манба

сифатида хизмат қилди (ЎзЭХ, 2017 йил 24 ноябрдаги №11/484 маълумотномаси). Бу таклифлар Ўзбекистон экологик ҳаракати ва унинг худудий бўлинмаларидаги экологик масалаларни ечишда самара бермоқда;

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгашининг 2017 йил 2-ярим йиллик учун тузилган иш режасининг 73-74 бандлари ҳамда 2018 йилга мўлжалланган иш режасида ёшлар экологик таълим-тарбиясига яхлит, узлуксиз жараён тарзида қаралиши, мутасадди ташкилот-муассасаларини назарий-методологик, ўқув-услубий асосларини такомиллаштиришга доир бандларини (49,55,70,72) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгашининг 2017 йил 25 декабрдаги 02-06/485-сон далолатномаси). Бу таклифлар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгашининг экологияга оид масалаларини мувофиқлаштиришга ёрдам бермоқда;

муайян экологик худудда атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий стратегик йўналишлар яъни ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат органларининг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва унификациялаштириш зарурияти бўйича мутасадди ташкилотларга берилган таклиф-тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 17;18;31-моддаларида (Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш) тегишли банд сифатида ақс этган (2016 йил 19-декабрьдаги №07/021 далолатномаси). Бу таклифлар мамлакатимиз ижтимоий экологик вазиятига оид қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та монография, илмий журналларда 15 та, шундан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, хорижий журналларда 6 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур диссертация кириш, уч боб, тўққиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқот мавзуси долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети,

методлари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг **“Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш-нинг шаклланиш ва глобаллашиш даражалари”** деб номланган биринчи боби мазмуни: 1) “Халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобаллашувини детерминлаштирувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг тарихий босқичлари”; 2) “Ҳозирги даврда халқаро экологик сиёсий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашувини бошқариш хусусиятлари”; 3) “Экологик муаммолар глобаллашувини шароитида миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашувини бошқариш масалалари” деган параграфларида ўз ифодасини топган.

Диссертацияда халқаро экологик сиёсат глобаллашувини детерминлаштирувчи омиллар ва тарихий ривожланиш босқичлари туркумлаштирилган, яъни унинг биринчи босқичида – локал, миллий, худудий даражаларда тўпланган экологик сиёсат тажрибалари ижодий умумлаштирилади ва муайян геоэкологик макон учун оптимали, маъқули танланади. Бу босқичда репродуктив экологик сиёсат рационалиги, табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолиятнинг конкретлиги ва прагматиклиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;

иккинчи босқичда – миллий экологик сиёсатнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларга интеграциялашишнинг бошқариш субъектига айланиши, глобал институционал тизимдаги ўрни ва мақоми мустаҳкамланиши, миллий экологик сиёсат индивидуаллигининг “ижтимоийлашуви” муайян давлатларнинг миллий экологик сиёсатларини унификациялаштириш ва глобал моделга мослаштириш имкониятининг яратилиши;

учинчи босқичда – миллий давлатлар экологик сиёсатининг (ҳатто, айрим соҳаларда) глобал сиёсат моделига ва стандартга айланиши шу соҳада етакчилик (лидерлик) позициясининг кучайиши, экологик сиёсат билан шуғулланувчи: менежерлар, маркетинг мутахассислари, раҳбарларини тайёрлашнинг муқобил фалсафаси – назарияси ва методологиясини такомиллаштириш зарурияти назарий асосланган.

Глобал экологик сиёсат бошқарувини шу кўрсатилган босқичлар ва йўналишларда таҳлил қилиш, уни яхлит система сифатида таърифлашга асос бўлади. Яъни халқаро экологик сиёсатни бошқаришнинг глобал институционал тизими функцияси – турли давлатларнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий сиёсатини умуминсоният эҳтиёжларига, манфаатларига, биосфера экологик мувозанатини сақлаш талабларига мос равишда ташкиллаштириш ва назорат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш усулларини, воситаларини демократик тамойилларга, қонуний-ҳуқуқий асосларга, гуманистик ахлоқий нормаларга бўйсундиришдан иборатлиги илмий таҳлил қилинган.

Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқаришнинг шаклланиш ва глобаллашиш даражалари таҳлил қилинган биринчи боб хулосалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг глобаллашувини бошқариш умуминсоният манфаатларига мос бўлиб, унинг самарадорлиги жамият барқарор тараққиёти шартли сифатида барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларини умумий мақсад доирасида интеграциялаштириш даражасига боғлиқдир;

иккинчидан, ҳар қандай давлатда миллий экологик сиёсатни амалга оширувчи институционал тизимнинг структуравий элементлари ривожланиши ва уларнинг функционал уйғунлашуви жамият ижтимоий-сиёсий муносабатлари демократлашуви характериға мос келади ва уни намоён қилади;

учинчидан, халқаро экологик сиёсат глобаллашуви миллий давлатларнинг барқарор тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унга интеграциялашуви учун имконият – адаптацион муҳит яратади;

тўртинчидан, глобал геоекологик сиёсат институционал тизими шаклланиши ва уни бошқариш субъектларининг фаоллик даражаси объектив шарт-шароитларни эътиборға олишни ва субъектив омилларни ривожлантиришни тақозо қилади;

бешинчидан, халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг глобаллашуви миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, миллий ва ҳудудий манфаатлар индивидуаллиги ҳамда мустақиллиги шартли ҳамда нисбий характер касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Глобал экологик сиёсатни бошқаришнинг назарий-методологик масалалари” деб номланади. Ушбу бобда: 1) “Экологик сиёсат глобаллашувининг объектив асослари ва субъектив омиллари”; 2) “Халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобаллашувини бошқариш мотивлари, ҳаракатлантирувчи механизмларига муқобил фалсафий ёндашувлар ва уларнинг асосий йўналишлари”; 3) “Минтақавий ва глобал экологик сиёсатни бошқариш институционал тизими шаклланишининг асосий тамойиллари” масалалари таҳлил қилинган.

Ҳозирги даврда, умуман дунёда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар интеграцияси, хусусан халқаро экологик муносабатлар глобаллашуви жараёнларини жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқариш институционал тизимини структуравий-функционал, комплекс-системали, таҳлил қилишнинг назарий-методологик масалаларига эътибор кучаймоқда.

Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш: **биринчидан**, глобал экологик сиёсатни бошқариш институтлари шаклланиши объектив жараён бўлиб, бутун инсониятнинг эҳтиёжи, мақсади ва манфаатларига мосдир; **иккинчидан**, экологик сиёсатнинг институционал тизими ва унинг функциялари демократик тамойилларға асослангандагина умуминсоният мақсадларига мувофиқлигини намоён қилади; **учинчидан**, миллий, минтақавий ва глобал экологик сиёсатни бошқариш субъектлари фаолиятларининг функционал мувофиқлашиш даражаси, унинг самарадорлигини таъминлайди; **тўртинчидан**, глобал экологик сиёсатни бошқаришнинг турли шакллари ва муқобил йўналишлари ўртасидаги

фаолият мувофиқлиги: объектив шарт-шароитларга, субъектив омилар ролига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида юқорида кўрсатилган шартларнинг миллий ва минтақа давлатларида оқилona ташкиллаштирилиши глобал сиёсатни бошқаришга фаол таъсир кўрсатади.

Иккинчи бобни таҳлил қилиш натижасида олинган умумлаштирувчи хулосалар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, жамият тарққиётининг ҳозирги босқичида, глобал геэкологик маконда, биосфера барқарор мувозанатини таъминлашнинг объектив қонуниятларини илмий билиш асосида халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш назарияси ва муқобил таълимотлари шаклланиб, уларнинг интеграциялашув ва унификациялашув тенденцияси кузатилмоқда;

иккинчидан, халқаро экологик муносабатларни бошқаришнинг шаклланган глобал институционал тизими миллий давлатларда табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсий фаолияти стратегияси ва тактикасини моделлаштиришга умумметодологик асос бўлиб, уларни стандартлаштиришга хизмат қилади;

учинчидан, глобал экологик сиёсий муносабатларни бошқариш тизими инсониятнинг барқарор биосфера табиий муҳитида яшаш эҳтиёжлари асосида шаклланиб, цивилизация келажагини таъминлаш омилига ва халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларни интеграциялаштирувчи потенциал имкониятга айланмоқда;

тўртинчидан, халқаро экологик сиёсий муносабатлар структураси ва уни глобал бошқариш жараёнида, ҳар бир давлатнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегик ғояларини амалиётга жорий қилиш фаолияти доимий модернизациялашиб, функционал йўналишларини конкретлаштириб бориши тарихий давр тақозосидир;

бешинчидан, глобал экологик сиёсий муносабатларни оқилona бошқариш дунё экологик манзараси контурларини “паспортлаштириш” орқали миллий давлатларнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати моделини шакллантириш, уларни амалга оширишга моддий-техник, интеллектуал жиҳатлардан ёрдам беришга боғлиқдир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистоннинг минтақавий, халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришга иштирокини кучайтириш имкониятлари ва вазифалари”** деб номланган бўлиб, 1) “Ўзбекистонда халқаро экологик сиёсатни демократиялаштиришнинг характери ва институционал тизимини такомиллаштириш вазифалари” 2) “Ўзбекистоннинг халқаро экологик сиёсий муносабатларни глобал бошқариш тизимига интеграциялашиш хусусиятлари”, 3) “Глобал ва миллий экологик сиёсатни бошқариш институционал тизимини функционал уйғунлаштириш истиқболлари” билан боғлиқ масалалар таҳлиliga бағишланган.

Ўзбекистоннинг халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқаришда иштироки: биринчидан, миллий экологик сиёсатнинг глобал геэкологик сиёсатга интеграциялашуви, унинг мослашиш потенциалига, функционал унификациялашиш имкониятига;

иккинчидан, глобал экологик сиёсатнинг маҳаллий, миллий ва ҳудудий муаммоларни ҳал қилишга дифференциал ёндашиб, конструктив воситалардан ва оқилона усуллардан фойдаланишига;

учинчидан, миллий ижтимоий-сиёсий муносабат йўналишларини халқаро экологик барқарор таракқиёт эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини яратишга;

тўртинчидан, глобал геоэкологик сиёсатни бошқариш институционал тизимининг вазият ва шароитга қараб оператив ўзгаришига, модернизациялашувида давлат иштирокини кучайтиришида;

бешинчидан, халқаро экологик сиёсий муносабатлар тарихи, мавжудлик ҳолати, ривожланиш тенденцияси ҳақидаги объектив ахборотларни, маҳаллий аҳолига трансформация қилиш усуллари, воситаларига боғлиқлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг учинчи боб якунида Ўзбекистонда миллий экологик сиёсатни ислоҳ қилиш ва демократиялаштириш муаммоларини, халқаро экологик сиёсий муносабатларни глобал бошқариш тизимига интеграциялашиш хусусиятларини, миллий, минтақавий ва глобал экологик сиёсий муносабатларни бошқариш институтлари фаолиятларини функционал уйғунлаштиришнинг истиқболдаги вазифаларини, глобал экологик сиёсий ташкилотлар тизимини илмий ташкил қилиш ва бошқаришни оптималлаштиришга доир тадқиқотлар қуйидаги назарий хулосаларга, методологик тавсияларга ва амалий таклиф-мулоҳазаларга асос бўлди:

биринчидан, Ўзбекистонда миллий экологик сиёсатни модернизациялаштириш умумий ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг таркибий йўналиши бўлиб, унинг халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш тизимига интеграциялашуви мураккаблиги: маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал геоэкологик макон хусусиятларини аниқлашни, вазиятини объектив баҳолашни, стратегик мақсади ва тактик вазифаларини конкретлаштиришни ва бажариш усул-воситаларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда;

иккинчидан, глобал экологик сиёсий муносабатларни бошқариш субъектларининг горизонтал ва вертикал йўналишлардаги сиёсий фаолиятларини уйғунлаштириб, уни бошқаришнинг интегратив тизимини шакллантириш ҳамда глобаллашувини таъминлаш миллий экологик сиёсат институционал тизимини демократиялаштириш ва модернизациялаштириш жараёнини жаҳон стандартларига мослаштириб, функционал уйғунлаштиришга боғлиқ бўлади;

учинчидан, ҳар бир давлатнинг суверинитети, миллий экологик сиёсати мустақиллиги, халқаро экологик сиёсий муносабатларда эркинлик, тенглик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланган миллий манфаатларини ҳимоя қилиш шарт-шароитларини, қонуний-ҳуқуқий асосларини яратиш миллий экологик сиёсат институтларини глобал бошқариш тизимига интеграциялаштириш имконияти сифатида баҳоланиши керак;

тўртинчидан, миллий ва минтақавий экологик сиёсатнинг “ижтимоийлашуви”, уларнинг интеграциялашуви ва глобаллашувида намоён бўлади ва миллий давлатларнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларни

бошқариш институционал тизимига интеграциялашиш имкониятлари бошқа соҳалардаги ривожланиш даражаларига боғлиқ бўлади;

бешинчидан, Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини глобал бошқариш тизимига уйғунлаштириш минтақадаги геоэкологик вазиятни соғломлаштиришга муқобили бўлмаган стратегик вазифадир. Бу эса минтақа давлатлари экологик сиёсий муносабатларини глобал бошқаришнинг махсус қонуний-ҳуқуқий асосларини ва уларни амалиётга жорий қилиш институционал тизимини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

## ХУЛОСА

### **Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:**

1. Ҳар қандай давлатнинг миллий экологик сиёсати умуминсоният эҳтиёжларидан келиб чиққан ва манфаатларига мос бўлиб, унинг самарадорлиги, бир томондан, жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларини умумий мақсад доирасида интеграциялаштириш даражасига боғлиқдир. Иккинчи томондан эса, миллий экологик сиёсатни амалга оширувчи институционал тизим структуравий элементларининг функционал уйғунлашуви ижтимоий-сиёсий муносабатларни демократик тамойиллар асосида модернизациялаштириш характериға мос келади ва уни намоён қилади.

2. Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш институтларининг функционал глобаллашуви миллий давлатлар барқарор тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқади ва уни қондириш учун шарт-шароит, имконият яратиши миллий, минтақавий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, уларнинг геоэкологик стратегияси ва уни амалга ошириш тактикаси индивидуаллиги ҳамда мустақиллиги шартли ҳамда нисбий характер касб этади.

3. Халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобаллашуви ва уни бошқаришнинг институционал тизимини шакллантиришда субъектлари фаоллик даражасини белгиловчи объектив шарт-шароитларни, хусусан, давлатларнинг геоэкологик макон хусусиятларига мос стратегиясини, инфраструктураси ва коммуникациясининг техник-технологик имкониятларини, молиявий-иқтисодий ресурсларини, ахборот таъминотини, интеллектуал потенциалини ва бошқа субъектив омилларни эътиборга олиш зарур.

4. Халқаро экологик муносабатларни глобал бошқаришда айрим давлатларнинг сиёсий пассивлиги, инертлиги ёки гегемонликка интилиши (асосан, табиий атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларни бошқа мамлакатлар ҳудудига жойлаштириши – “экологик агрессияси”), муқаррар равишда, муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий манфаатларга асосланади ва улар халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш сиёсатининг интеграциялашувиға тўсиқ ҳисобланади.

5. Миллий, минтақавий ва халқаро экологик сиёсий муносабатларни глобал бошқариш институционал тизимларининг ривожланиши жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаётининг бошқа

соҳаларини бошқариш самарадорлиги билан корреляцион боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини функционал жиҳатдан тўлдирувчи асос ва имконият ҳисобланади.

6. Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш институционал тизими структуравий элементларининг глобал бошқаришдаги самарадорлигини ошириш учун, ҳар бир давлат экологик сиёсатининг стратегик вазифаларини амалиётга жорий қилиш тактикасини, усул-воситаларини доимий модернизациялаштириб, функционал йўналишларини конкретлаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КУЛДОШЕВ АСЛИДДИН ТУРСУНОВИЧ**

**ГЛОБАЛИЗАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ  
СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ОСОБЕННОСТИ  
УПРАВЛЕНИЯ**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fal45.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziyonet.uz информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Мамашокиров Саидмурод</b> доктор философских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Саломова Хакима Юсуповна</b> доктор философских наук <b>Мусаев Одил Рахматович</b> доктор философских наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентская медицинская академия</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол реестра № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Б.О.Тураев**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.филол.н., профессор

**А.Р.Самадов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.филол.н., доц.

**Ш.С.Кушоев**

Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.филол.н., проф.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современном мире выявление тенденций глобализации международных экологических отношений, управление этим процессом, создание системы контроля над ним является для мирового сообщества жизненной необходимостью, определяющей перспективы человечества. Потому что глобальное загрязнение окружающей среды под воздействием антропогенных факторов стало одной из серьезных экологических проблем мира. Данная ситуация, конструктивно-рациональная организация международных экологических социально-политических отношений, создание институциональной системы взаимного экологического сотрудничества имеет важное значение для будущего человечества и это показывает актуальность данной темы.

Одна из основных причин обострения экологических проблем в мире объясняется несовершенством общефилософских, методологических основ согласования международных экологических отношений, неразвитостью связей между экологическими организациями и массовыми институтами. Потому что исследование особенностей экологической политики разных государств в контексте философских категорий единичного, особенного и общего может стать теоретической методологической основой в положительном решении глобальных экологических кризисов.

Научные исследования, направленные на оптимальную организацию международных экологических политических отношений служат успешному решению глобальных экологических проблем.

В Узбекистане “Координация работ по экологии и охране окружающей среды, обеспечение межведомственного взаимодействия при разработке и реализации единой природоохранной и ресурсосберегающей политики”<sup>1</sup> является составной частью экологической политики, проводимой в глобальном масштабе. Это предполагает научно-теоретическое исследование методов, средств, а также путей совершенствования институциональной системы управления международными экологическими социально-политическими отношениями.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан №4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Указе УП-№5024 “О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды” от 21 апреля 2017 года, в основных направлениях деятельности Министерства инновационного развития Республики Узбекистан (создано Указом УП-№5264 от 29.11.2017г.), в пунктах б), г), д), а также в других нормативно-законодательных актах по

---

<sup>1</sup> См.: Указ Президента Республики Узбекистан №5024 “О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды”. // <http://uza.uz/oz/documents/ekologiya-va-atrof-mu-itmi-mu-ofaza-qilish-so-asida-davlat-bo-21-04-2017>

данной деятельности.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике: I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

**Степень разработанности проблемы.** Для изучения глобализации международных экологических социально-политических отношений и управления этим процессом необходимо, прежде всего, определить направления научного воззрения, альтернативного классификации факторов, детерминирующих данный процесс. В соответствии с этим принципом все исследования, имеющие связь с нашей проблемой, разделены на следующие группы:

а) результаты научных исследований об историческом генезисе и стадиях развития глобального управления экологической политикой; литература, освещающая социально-политические основы управления международными экологическими отношениями;

б) научные труды, посвященные законодательно-правовым основам управления международными экологическими отношениями;

в) научные теории об объективных и субъективных факторах управления экологическими политическими отношениями;

г) труды, в которых освещаются организационные духовно-нравственные вопросы управления экологическими политическими отношениями.

Вопросы глобализации экологических политических отношений и управления данными отношениями, с точки зрения детерминизма, в частности, сферы менеджмента и маркетинга в экологической политике, в основном разработаны зарубежными исследователями. То есть в этом плане мы можем сослаться на труды таких ученых, как П.Доел, Е.Г.Молль, К.Гарнер, М.Валетта, М.П.Раджоньери, П.Г.Ольдак, Е.В.Бабина, С.Н.Соломина и другие.

Серьезные исследования проводятся со стороны таких ученых СНГ, как В.И.Данилов-Данилян, В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, А.А.Сергунин, В.Н.Федосеев, А.В. Возженников, А.Багатуров, Д.М.Гвишиани и других.

В Узбекистане правовые, политические и международные принципы национальной безопасности отражены в кандидатских и докторских диссертациях С.Самайилова, Ш.Каримова, Н.Икрамовой, С.К.Махмудова, А.Т.Умарова, А.Абдуллаева; в изучении философских вопросов глобализации международных экологических политических отношений заслуживают внимания научные труды, докторские и кандидатские диссертации И.С.Хашимовой, Ю.Ш.Шодиметова, С.Мамашокирова, Э.М.Усмонова, Д.Расулова, Т.Куйлиева, А.К.Бердимуратовой, С.С.Сангинова, Ш.Л.Махмудовой, В.О.Левинской, С.Атамуратова, А.Ахмедова, Б.Аманова.

Законодательно-правовые основы данной проблемы освещены в научных исследованиях таких ученых, как Р.Рузиев, Б.Х.Калонов, Ж.Холмуминов, Т.Р.Мирзаев, М.У.Гуламов, Й.О.Джураев, Ш.Х.Файзиев, Ш.Р.Кабиллов, М.Наджимов, Н.Б.Шаимов.<sup>1</sup>

В целом, вышеупомянутые исследователи не ставили перед собой цель структурно-функционального, комплексно-системного анализа с точки зрения социальной философии международных экологических политических отношений и институциональную систему глобального управления ими.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертация выполнена в рамках научно-исследовательских работ Самаркандского государственного университета на тему “Программа комплексных мер, направленных на развитие научно-исследовательской деятельности и повышение научного потенциала”, рассчитанную на 2016-2020 гг.

**Цель исследования:** раскрытие социально-философской сущности глобализации международных экологических социально-политических отношений и системы институтов управления ими

**Задачи исследования** состоят в следующем:

разработать методологические рекомендации и практические предложения на основе комплексно-систематического анализа глобализации международных экологических политических отношений;

выявить особенности и функциональную взаимосвязь основных элементов в структуре институциональной системы управления международными экологическими политическими отношениями в современную эпоху;

показать возможности и средства гармонизации национальных, региональных, общечеловеческих интересов в условиях глобализации управления международной экологической политикой;

